



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНинг ҚАРОРИ

№ 1069

2021 йил «27» апрель

Сайлов комиссиялари аъзоларининг малакасини оширишни ташкил этиш ҳақида

Сайлов комиссиялари аъзоларининг малакасини оширишни ташкил этиш ҳамда сайлов жараёнлари иштирокчиларининг хуқуқий маданиятини ва сайлов комиссиялари фаолиятининг самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 14 ва 16-моддаларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси қарор қиласиди:

1. Сайлов комиссиялари аъзоларининг малакасини оширишни ташкил этиш Концепцияси (бундан бўён матнда Концепция деб юритилади) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Марказий сайлов комиссияси томонидан мутасадди вазирлик ва идоралар билан келишган ҳолда сайлов комиссиялари аъзоларининг сайлов қонунчилиги ва сайловда замонавий ахборот технологияларини қўллаш бўйича назарий билимлари ҳамда амалий кўникмаларини оширишга қаратилган ўкув-амалиёт машғулотларини ташкил этиш ва ўтказилишини мувофиқлаштириш бўйича республика штаби тузилганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқарув академияси (кейинги ўринларда – ДБА), Тошкент давлат юридик университети (кейинги ўринларда – ТДЮУ) профессор-ўқитувчилари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги мутахассислари орасидан **юқори малакали эксперталар** таркиби шакллантирилганлиги қайд этиб ўтилсин.

3. Марказий сайлов комиссияси Котибиятининг Сайлов қонунчилиги ва замонавий технологиялар бўйича ўкув маркази (Х.Палуаниязов) республика штаби ва юқори малакали эксперталар билан биргаликда замонавий таълим технологияларини қўллаган ҳолда:

сайлов комиссиялари аъзоларининг сайлов қонунчилиги ва сайловда замонавий ахборот технологияларини қўллаш бўйича назарий билимлари ҳамда амалий кўникмаларини оширишга қаратилган ўкув-амалиёт

машғулотларининг дастури, ўқув режаси, сценарийсини, шунингдек ўкувамалиёт машғулотлари иштирокчилари учун видео-дарс, роликларни, шунингдек махсус ишчи дафтар (маъруза матни, инфографика, тест, саволжавоб ва бошқалар)ни уч тилда (ўзбек, корақалпоқ ва рус тилларида) ишлаб чиқсин ҳамда нашр этишга тайёрласин;

Концепциянинг амалга оширилиши юзасидан, шу жумладан республика ва ҳудудларда ўқув-амалиёт машғулотларининг тасдиқланган дастур ҳамда режа-жадваллар асосида ташкил этилиши ва ўтказилиши устидан тизимли мониторинг ўрнатсин.

4. Марказий сайлов комиссияси Котибияти (Х.Маматов) Марказий сайлов комиссияси фаолиятига кўмак бериш учун жалб қилинадиган эксперtlар, республика штаби томонидан ҳудудий тренерлар учун ўқув-амалиёт машғулотларини ўтказиш, уларга услубий ва амалий қўмак бериш ҳамда таълим сифатини мониторинг қилишни ташкил этиш мақсадида Тошкент шахрида жойлашган етакчи олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчиларидан иборат таркибда шакллантирилган **республика тренерлари** ҳамда **мониторинг гурухлари** аъзолари билан белгиланган тартибда шартнома тузилишини таъминласин.

Марказий сайлов комиссияси Котибиятининг Бухгалтерияси (Ш.Умаров) **экспертлар, республика тренерлари** ҳамда **мониторинг гурухлари аъзолари**га шартномада белгиланган тўловлар, шу жумладан ҳудудларда ташкил этиладиган семинар-тренингларда иштирокини таъминлашда хизмат сафари харажатлари Марказий сайлов комиссияси томонидан ўз вақтида тўланиши бўйича зарур чораларни кўрсин.

Марказий сайлов комиссияси котибиятининг Моддий-техника таъминоти бўлими (Ж.Фахрутдинов) Сайлов қонунчилиги ва замонавий технологиялар бўйича ўқув маркази (Х.Палуаниязов) буюртмасига асосан ўқув-амалиёт машғулотлари иштирокчилари учун тегишли тарқатма материалларни (ишчи дафтар, видео-дарс, видеоролик ва бошқалар) белгиланган миқдорда чоп этилиши (тайёрланиши) ва ўрнатилган тартибда ҳудудларга етказиб берилишини таъминласин.

5. Корабалоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

2021 йил 1 майгача 2-иловага мувофиқ таркибда ўқув-амалиёт машғулотларини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш бўйича ҳудудий штабларни тузсин ҳамда уларнинг республика штаби билан узвий ҳамкорлигини йўлга кўйисинлар;

2021 йил 20 майгача 3-иловага мувофиқ таркибда ўқув-амалиёт машғулотларини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш бўйича туман (шаҳар) штабларини тузсин ҳамда уларнинг ҳудудий штаблар билан узвий ҳамкорлигини йўлга кўйисинлар;

Концепцияни амалга ошириш бўйича тадбирлар схемасида белгиланган ўқув-амалиёт машғулотларини республика ва ҳудудий штаблар томонидан тасдиқланган режа-жадвалларда белгиланган вақтда ва жойларда уюшқоқлик билан ўтказиш мақсадида тегишли бинолар, хоналар, ўқув машғулотларига зарур жиҳозлар ҳамда транспорт воситалари билан таъминласинлар;

ўқув машғулотлари иштирокчиларига иссиқ овқат уюштириш учун маҳаллий бюджетдан етарли маблағлар ажратсинлар;

ўқув-амалиёт машғулотлари ўтказиладиган биноларда карантин қоидаларига амал қилинишини ҳамда хавфсизликни таъминлаш чораларини кўрсинглар.

6. Ушбу қарор Марказий сайлов комиссияси расмий веб-сайтида эълон қилинсин ва манфаатдор ташкилотларга етказилиши таъминлансин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринbosари Б.Қўчкоров зиммасига юклансин.

Раис

З.Низамходжаев

Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссиясининг
2021 йил “27” апрелдаги
1069-сонли қарорига
1-илова

Сайлов комиссиялари аъзоларининг малакасини оширишни ташкил этиш КОНЦЕПЦИЯСИ

I. Кириш

Мамлакатимизда сайлов ўтқазишнинг асосий қоида ва принциплари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Сайлов кодекси ва бошқа норматив-хуқуқий хужжатларида белгиланган бўлиб, кейинги йилларда сайлов қонунчилигининг янада такомиллашиб бораётганлиги юртимизда демократик қадриятлар ҳамда умумэътироф этилган тамойиллар тобора мустаҳкамланишига хизмат қилмоқда.

“Янги Ўзбекистон - янги сайловлар!” шиори остида 2019-йилда бўлиб ўтган парламент сайловлари аҳолининг ижтимоий-сиёсий жараёнларга қизиқиши ва фаоллиги ортганлигини кўрсатди.

Сайлов комиссияларининг қонунийлик, холислик, адолатлилик, ҳаққонийлик ва ошкоралик тамойилларига қатъий амал қилган ҳолда фаолият кўрсатишлари бўлажак сайловларнинг муҳим мезонлари ҳисобланади.

Сайлов амалиётига киритилган Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатидан самарали фойдаланиш орқали сайловчиларнинг сайлов хуқукини таъминлаш, “Бир сайловчи-бир овоз” тенглик тамойилига амал қилиш участка сайлов комиссияларининг устувор вазифасидир.

Мавжуд тажрибани инобатга олиб, сайлов комиссиялари аъзоларини ўқитиш тизимини такомиллаштириш, сайловчилар ҳамда сайлов жараёни бошқа иштирокчиларининг хуқуқий саводхонлигини ошириш Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси (кейинги ўринларда – МСК)нинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартишларга мувофиқ жорий йил октябрь ойида ўтказиладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови илк маротаба Сайлов кодексида белгиланган қоидалар асосида ўтказилиши сайлов жараёни ташкилотчилари ва иштирокчиларига катта масъулият юклайди.

Шу муносабат билан, бўлажак сайлов жараёнини юқори савияда ташкил этиш, умумэътироф этилган халқаро тамойиллар, илғор миллий ва хорижий тажриба асосида ўтқазиш мақсадида сайлов комиссиялари аъзоларининг миллий сайлов қонунчилиги ва амалиёти ҳамда халқаро сайлов стандартлари бўйича билим ва амалий қўнималарини мустаҳкамлаш бўйича

тизимли семинар-тренингларини ташкил этиш ва уни илмий-методик жиҳатдан янада пухта таъминлаш талаб қилинади.

II. Сайлов комиссиялари аъзоларининг малакасини оширишни ташкил этиш

МСК сайлов комиссияси томонидан мутасадди вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда сайлов комиссиялари аъзоларининг сайлов қонунчилиги ва сайловда замонавий ахборот технологияларини қўллаш бўйича назарий билимлари ҳамда амалий кўникмаларини оширишга қаратилган семинар-тренингларини ташкил этиш ва ўтказилишини мувофиқлаштириш бўйича республика штаби (кейинги ўринларда – **республика штаби**) тузилади;

Қорақалпоғистон Республикаси (кейинги ўринларда – КҚР), вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ҳудудий штаблар (кейинги ўринларда – **ҳудудий штаблар**) тузилади;

Туман (шаҳар)ларда қуи штаблар (кейинги ўринларда – **туман (шаҳар) штаблари**) тузилади;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқарув академияси (кейинги ўринларда – ДБА), Тошкент давлат юридик университети (кейинги ўринларда – ТДЮУ) профессор-ўқитувчилари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (кейинги ўринларда – АҚТ вазирлиги) мутахассислари орасидан **юқори малакали эксперталар (12 нафар)** таркиби шакллантирилади ҳамда мазкур штаблар, эксперталарнинг ваколат ва вазифалари белгиланади.

Сайлов комиссиялари аъзоларининг **сайлов қонунчилиги ва сайловда замонавий ахборот технологияларини қўллаш** бўйича назарий билимлари ҳамда амалий кўникмаларини оширишга қаратилган семинар-тренингларини (кейинги ўринларда – **семинар-тренинглари**) ташкил этиш ва ўтказиш уч босқичдан иборат.

Биринчи босқич – ташкилий-услубий ишлар – 2021 йил апрель-июнь ойларида амалга оширилади.

28 апрелгача юқори малакали эксперталар (12 нафар) томонидан МСК билан келишилган ҳолда ўқув дастурлари ва ўқув-услубий материаллар (тақдимот, матнлар, инфографика, видео-дарс ва бошқалар) тайёрланади ва тасдиқланади.

Республика штаби томонидан:

мамлакатнинг етакчи олий таълим ташкилотлари (кейинги ўринларда – ОТТ) профессор-ўқитувчилари орасидан **56 нафар республика тренерлари** (кейинги ўринларда – республика тренерлари) таркиби шакллантирилади ва улар КҚР, вилоятлар ва Тошкент шаҳрига бириктирилади;

ҳудудий тренерларга услубий ва амалий қўмак бериш ва таълим сифатини мониторинг қилишни ташкил этиш мақсадида Тошкент шаҳрида жойлашган етакчи ОТТнинг **104 нафар** профессор-ўқитувчиларидан иборат

мониторинг гурухлари (кейинги ўринларда – мониторинг гурухлари) тузилади ва ҚҚР, вилоятлар ва Тошкент шаҳрига бириктирилади ҳамда 1-иловага мувофиқ белгиланган вазифаларни бажаради.

1 майгача республиканинг 206 та туман (шаҳар)лари кесимида семинар-тренингларини ташкил қилиш учун, уларнинг ҳар бирига 4 нафардан (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси, Ички ишлар вазирлиги Академияси, Адлия вазирлиги Тошкент давлат юридик университети ҳамда худудий олий таълим ташкилотларининг тавсиясига асосан шакллантирилган сайлов қонунчилиги ва амалиёти соҳасида муайян билим ва тажрибага, шунингдек педагогик малакага эга мутахассислардан иборат) жами 824 кишилик (бундан ташқари ҳар бир худуддан 8 нафардан жами 112 нафар захира) худудий тренерлар (кейинги ўринларда – худудий тренерлар) таркиби шакллантирилади.

20 майгача ҚҚР Жўқорғи Кенгеси, ҳалқ депутатлари вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар Кенгашлари томонидан участка сайлов комиссияси (кейинги ўринларда – УСК) аъзолигига (раис, раис ўринбосари, котиб) номзод сифатида тавсия этилган тингловчилар (кейинги ўринларда – УСК аъзолигига номзодлар) контингентининг рўйхати шакллантирилади.

25 майгача Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Бош илмий-методик маркази негизида маҳсус таълим платформаси (кейинги ўринларда – Махсус таълим платформаси) яратилиб, **юқори малакали эксперталар** томонидан тайёрланган ўқув дастурлари ва ўқув-услубий материаллар (тақдимот, матнлар, инфографика, видео-дарс ва бошқалар) ушбу платформага жойлаштирилади. УСК аъзолигига номзодлар учун зарур ҳолларда онлайн билим олиш ва тест топшириш имконияти яратилади.

10 июнгача Тошкент шаҳридаги Инҳа университети мутахассислари томонидан “*Saylov - 2021*” мобил иловаси яратилади ва унга МСК билан келишилган ҳолда республика штаби томонидан тақдим қилинган сайлов қонунчилигига оид тайёрланган материаллар жойлаштирилади.

Иккинчи босқич – сайлов қонунчилиги бўйича тренерлар ва сайлов комиссиялари аъзолигига номзодларни (аъзоларни) ўқитиш – 2021 йил апрель-сентябрь ойларида 2-иловага мувофиқ ташкил этилади.

28 апрель – 8 май кунлари **юқори малакали эксперталар** томонидан 56 нафар республика тренерлари ва 104 нафар мониторинг гурухлари (жами 160 нафар) вакиллари учун ДБАда **2 кунлик** семинар-тренинглари ўтказилади. Бунда ҳар бир гурухда тингловчилар сони 26-27 нафардан тақсимланади (*машгулотлар режса-графиги республика штаби томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади*).

17-29 май кунлари **республика тренерлари** томонидан ҚҚР, вилоятлар ва Тошкент шаҳри марказларида 824 нафар худудий тренерлар, 112 нафар захира, 206 нафар туман (шаҳар) ҳокимлигининг ташкилий-назорат гурухи раҳбарлари, 140 нафар худудий штаблар аъзолари

(жами 1282 нафар) учун **2 күнлик** семинар-тренинглари ўтказилади. Бунда ҳар бир гурухда тингловчилар сони 20-24 нафардан тақсимланади (*машғулотлар режса-графиги республика штаби томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади*).

25 майгача ҳудудий штаблар томонидан, туман (шаҳар) марказларида УСК аъзолигига номзодлар учун ҳудудий тренерлар томонидан семинар-тренингларини ташкил этиш режа-жадвали (бунда, ўқитиши муддати, ҳар бир гурухда ўқитиладиган тингловчилар сони, ўқитиши жойи (биноси), ҳар бир гурухни ўқитиши учун масъул бўлганлар (ф.и.и.) аниқ белгиланади) ишлаб чиқилади, тасдиқланади ва республика штабига тақдим қилинади.

УСК аъзолигига номзодлар (*аъзолар*) учун семинар-тренинглари туман (шаҳар) марказларида тингловчилар сонидан келиб чиқиб танланган (*биттадан учтагача*) сайлов участкалари учун мўлжалланган биноларда (*ушибу биноларда сайловни ташкил этиши ва ўтказиши учун реал ҳолат акс эттирилган ҳамда овоз берииш хоналари тўлиқ жиҳозланган бўлиши лозим*) куйидаги 3 та поғонада амалга оширилади:

- 1-поғона:** 4 июндан – 4 июлгача;
- 2-поғона:** 12 июлдан – 8 августгача;
- 3-поғона:** 16 августдан – 12 сентябргача.

Ҳар бир поғона учун белгиланган муддатларда ҳудудий тренерлар (824 нафар, 112 нафар захира билан бирга) томонидан туман (шаҳар) марказларида сайлов участкалари учун мўлжалланган биноларда 15-21 нафарлик гурухлар кесимида интерактив усувларда (маъруза, симуляция, сайлов жараёнларини моделлаштириш, видео-дарс, видеоролик, сайловга оид савол-жавоблар, тест) 33 минг нафарга яқин УСК аъзолигига номзодлар ўқитилади (*машғулотлар режса-графиги ҳудудий штаблар томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади*).

Ҳар бир гурухда семинар-тренинглари якуни бўйича Махсус таълим платформасида онлайн тарзда тест топширилади ва мониторинг гурухи, ҳудудий штаб ҳамда ҳудудий тренерлар томонидан тест натижалари таҳлил қилиниб, навбатдаги поғона семинар-тренингларига қадар мавжуд камчиликларни бартараф этиш чоралари кўрилади.

Август ойининг иккинчи ўн кунлигига юқори малакали эксперtlар томонидан округ сайлов комиссияси аъзолари учун (154 нафар) ДБАда 2 күнлик семинар-тренинглари ўтказилади. Бунда ҳар бир гурухда тингловчилар сони 22 нафардан тенг тақсимланади (*машғулотлар режса-графиги республика штаби томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади*).

15-18 сентябрь кунлари (*КҚР, вилоятлар ва Тошкент шаҳар округ сайлов комиссиялари томонидан УСК тузилганидан сўнг*):

республика ва ҳудудий тренерлар назорати остида ҳар бир сайлов участкасининг ўзида, уч поғонада ўқитилган тегишли сайлов участкасининг раиси, раис ўринбосари ва котиблари томонидан УСКнинг қолган барча аъзолари учун семинар-тренинглари ўтказилади (*машғулотлар режса-графиги ҳудудий штаблар томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади*).

Учинчи босқич – СЯЭР ва СЖБАТда ишлаш бўйича тренерлар ва сайлов комиссияси аъзолигига номзодларни ўқитиши – 2021 йил июль-сентябрь ойларида ташкил этилади.

АКТ вазирлиги томонидан соҳа бўйича тегишли ОТМ профессор-ўқитувчилари билан биргаликда СЯЭР ва СЖБАТда ишлаш бўйича семинар-тренингларини ўтказиш режа-жадваллари, ўкув режалари, услубий кўлланмалар ва бошқа ўкув-услубий материаллар тайёрланади.

АКТ вазирлиги тизимининг 30 нафар юқори малакали мутахассисларидан иборат СЯЭР ва СЖБАТда ишлаш бўйича республика тренерлари таркиби шакллантирилади ва Тошкент шаҳрида ўқитилади.

худудлар кесимида СЯЭР ва СЖБАТда ишлаш бўйича 797 нафар худудий тренерлар таркиби шакллантирилади ҳамда худудлар марказларида СЯЭР ва СЖБАТда ишлаш бўйича республика тренерлари томонидан ўқитилади (АКТ вазирлиги, Республика штаби ҳамда МСК ҳамкорлигига ишлаб чиқилган алоҳида режа-жадвал асосида август ойида).

СЯЭР ва СЖБАТда ишлаш бўйича худудий тренерлар томонидан туман (шаҳар)лар марказларида 22 минг нафарга яқин СЯЭР ва СЖБАТда ишлаш бўйича УСК аъзолигига номзодлар ўқитилади (АКТ вазирлигининг худудий бошқармалари ва худудий штаблар ҳамкорлигига ишлаб чиқилган алоҳида режа-жадвал асосида, 16 август – 11 сентябрь кунлари).

СЯЭР ва СЖБАТда ишлаш бўйича тренерлар ва сайлов комиссиялари аъзолигига номзодларни ўқитиши, заруратга қараб АКТ вазирлиги томонидан МСК, ҚҚР Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан келишилган ҳолда тасдиқланган чора-тадбирлар режасига асосан ҳам ташкил этилиши мумкин.

III. Сайлов комиссиялари аъзолари малакасини ошириш бўйича ўкув курсининг мазмуни

Сайлов комиссиялари аъзолари малакасини ошириш бўйича ўкув курсларини юқори савияда ташкил этиш ва ўтказиш мақсадида ДБА ва ТДЮУ профессор-ўқитувчиларидан иборат юқори малакали эксперталар томонидан ўкув режалари ва улар асосида ўкув-услубий материаллар (тақдимот, матнлар, инфографика, видео-дарс ва бошқалар) тайёрланади.

Ўкув режаларнинг музмунида қуйидагилар ўз аксини топади:

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг конституцияий-ҳуқуқий асослари;

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи сайлов комиссиялари тизими, ваколатлари ва вазифалари;

Сайлов жараёнида хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар кузатувчиларининг иштироки, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

Маҳаллий кузатувчилар ва ваколатли вакилларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

Сайловчилар рўйхати билан ишлаш, шу жумладан СЖБАТ ва СЯЭРдан фойдаланиш тартиби;

Округ ва участка сайлов комиссиялари бинолари ҳамда овоз бериш хоналарини жиҳозлашга қўйилган талаблар;

Муддатидан олдин овоз беришни ташкил этиш, сайлов кунига тайёргарлик кўриш тартиби;

Сайлов куни овоз беришни ташкил қилиш тартиби;

Сайлов натижаларини аниқлаш ва эълон қилиш тартиби;

УСК фаолиятининг умумий йўналишлари.

Семинар-тренинглари 15-21 кишилик кичик гурухларда ташкил этилиб, интерфаол усулларда (маъзуза, видео-дарс, сайлов жараёнларини моделлаштириш, тренинг, симуляция, баҳс-мунозара ва х.з) олиб борилади.

IV. Кутилаётган натижалар

Концепцияда назарда тутилган чора-тадбирларни муваффақиятли амалга ошириш натижасида:

халқаро сайлов стандартлари ва миллий қонунчиликни қўллаш бўйича тегишли мутахассислар салоҳиятининг юксалишига эришилади;

сайлов комиссиялари аъзоларини ўқитиш тизими янада такомиллаштирилади ҳамда уларнинг малакаси оширилади;

сайлов комиссиялари фаолиятининг самарадорлигига эришилади;

сайлов комиссиялари томонидан фаолиятда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан янада кенгрок фойдаланиш бўйича билим ва кўникмалар мустаҳкамланади;

сайловларни бошқариш тизими модернизация қилинади ҳамда сайлов жараёнида ахборот хавфсизлигини таъминлаш чоралари кўрилади.

Мазкур Концепцияни самарали амалга оширишнинг пировард натижасида сайлов комиссиялари аъзолари ҳамда сайловга тайёргарлик кўриш ва ташкил этиш жараёнлари иштирокчиларининг сайловга оид билим ҳамда кўникмаларининг ошиши, шунингдек, сайлов тизими ва амалиётининг такомиллашишига эришилади.